

-DIZA // -DIZ// -DAZ КОМПОНЕТЛИ ТОПОНИМЛАР**Бегимов Одил Тўхтамишович**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология
фанлари доктори

Аннотация. Ўзбекистонда кўп асрлик тарихий давр мабойнида яшаган миллат ва эллатлар топонимларда ўзига хос из қолдиришган. Ўзбекистон диахрон топонимиясини шаклланишига хизмат қилган ва ҳозирги кунда турли фонетик ўзгаришлар билан бизгача етиб келган топонимлардан бири – diza компонентли топонимлардир. Мақола шу форматдан ташкил топган топонимлар тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: топоним, топоформант, компонент, қишлоқ, диахрон, этимология.

ТОПОНИМЫ С КОМПОНЕНТОМ -ДИЗА // -ДИЗ // -ДАЗ**Бегимов Одил Тухтамышович**

Каршинский инженерно-экономический институт, заведующая кафедрой узбекского языка и
литературы, доктор филологических наук

Аннотация. Нации и народы, проживающие в Узбекистане в течение многовекового исторического периода, оставили свой след в топонимии. Одним из топонимов, способствовавших формированию диахронической топонимии Узбекистана и дошедших до нас сегодня с различными фонетическими изменениями, является топоним с компонентом -диза. Статья посвящена изучению топонимов, состоящих из данного топоформата.

Ключевые слова: топоним, топоформант, компонент, деревня, диахрония, этимология.

TOPONYMS WITH COMPONENT -DIZA // -DIZ // -DAZ**Beginmov Odil Tukhtamyshevich**

Karshi Engineering and Economic Institute, Head of the Department of Uzbek Language and Literature,
Doctor of Philology

Annotation. Nations and peoples living in Uzbekistan during a centuries-old historical period have left their mark on toponymy. One of the toponyms that contributed to the formation of the diachronic toponymy of Uzbekistan and have come down to us today with various phonetic changes is the toponym with the -diza component. The article is devoted to the study of toponyms, consisting of the given topoformat.

Key words: toponym, topoformant, component, village, diachrony, etymology.

Ўзбекистон диахрон топонимиясида кенг тарқалган топоформантлардан бири –диза ҳисобланади. -диза компоненти ўзининг вариантлари билан “мустаҳкамланган жой”, “қалъа”, “қўрғон” маъноларини беради. У этимологик жиҳатидан қадимги эроний diza (қалъа), ўрта авесто тилида daez (тупрокни, тошни тўдаламок); қадимги форсча dida (мустаҳкамланган жой, қалъа, қўрғон) сўзларига бориб тақалади [8,12]. Бу компонент орқали ясалган топонимлар эроний тилларда сўзлашувчи кенг ҳудудга тарқалган. Уларнинг кўпчилиги ғарбий эроний тилларга тегишли. -diza(daz, -diz) шаклида кўпгина

изоҳли луғатларда келтирилган бу сўз форс-тожикча diza (daz, diz) (қўрғон қалъа) сўзи билан боғлиқ бўлади [8,12].

Қадимги Маворауннаҳр топонимиясида таркибида diza компонентидан ташкил топган 43 та ном қайд этилган. Бу номларнинг кўпчилиги турли ҳажмдаги аҳоли масканларининг номларига тўғри келади. Бу номларнинг мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилган. Уларнинг баъзилари турли фонетик ўзгаришлар билан бизнинг давримизгача сақланиб қолган. - diza компонентидан ташкил топган топонимларнинг биринчи қисми сўғдча, форсча, арабча ва туркча сўзлардан ташкил топган. Уларнинг тарқалиш ареали қуйидагича: Самарқанд вилояти ҳудудида 14 та, Бухоро вилояти ҳудудида 15 та, Нахшаб (Қарши) ҳудудида 11та, қадимги Уструшан (ҳозирги Жиззах вилояти) ўз ичига олган ҳудуд)да 1та (Dizak), Хоразм вилояти ҳудудида 1та (Sāfardiz), Чоч (Тошкент вилояти)да 1та (Dijandēza) [1].

Бу сўз апеллатив сифатида бир қанча туркий тилда сўзлашувчи мамлакатларда ҳам учрайди. Озарбайжонда -диза шаклида “баланд жойда қурилган мустаҳкам қалъа” маъносида қўлланилади [2,205]. Форс тилида диз, дез, дуз - тоғ чўққисида қурилган қалъа, қўрғон маъносида ишлатилади. Эроншунос О.И. Смирнованинг суғд тили манбалари асосида кўрсатишича, диз,-диза - қалъа, қўрғон маъносида Аспартармантдиза номининг қисқарган шаклидан келиб чиққан Аспанза (Самарқанд) топоними таркибида учрайди. У “Ер худосининг қалъаси” маъносини беради[6]. -диз атамаси XIV аср вақф ҳужжатларида апеллатив сифатида тилга олинган [8].

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида Жизза (Қарши, Косон) номли қишлоқлар Жиззахдара (Сариосиё)номли жой ва шу ўзакдан ўзбек тилида ясалган Жиззалик (Косон) номли гузар мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида бу номга шаклдош бўлган топонимлар кўп учрайди. Ҳозирги Жиззах шаҳри номи, Денов - Олтинсой ҳудудидаги Хонжиза қишлоғи ҳам шунга дахлдор.

Бу каби топонимларнинг ўзаги - жизза>диза. Жиззах номининг энг қадимий фонетик варианты Дизак - ясама сўз, яъни у диз+ак қўшимчасидан иборат. -ак қўшимчаси ҳам эроний тилларга тегишли, у отларнинг кичирайтириш шаклини ясайди. Дизак – қўрғонча, кичик қўрғон маъносини англатган. Жизза номининг фонетик варианты эса -диза. Бу ном Ўзбекистон аҳолиси нутқида фаол ишлатилган. Ўзбек тилида апеллатив сифатида ўзлашиб, арабча хисор, қалъа сўзларига синоним сифатида қўлланилган. Оғзаки нутқ таъсирида д-ж товуш ўзгариши содир бўлган. Сўз ўртасида келган “з” товуши эса жарангли-сирғалувчи бўлганлигидан иккилантириб талаффуз қилина бошланган: диза<жиза~жизза.

Демак, Жизза - қўрғон, қалъа маъносидаги диза сўзининг ўзбекча шакли. Жиззахдара - Жизак+(к>қ товуш ўтиши содир бўлган) дара - ёнида қўрғон жойлашган дара [4,73]. Хонжиза - хонга тегишли қўрғон.

-диза, -диз форманти орқали ясалган топонимлар Эронда кенг тарқалган. Эрон топонимларининг тадқиқотчиси В.И. Савина бу атама орқали ясалган 70 га яқин топонимни келтирган [5].

Мовароуннаҳрда -диза, -диз компонентли топонимлар кенг тарқалган бўлиб, улар асосан, аҳоли масканлари номларини билдирган. Қуйида шундай номлардан баъзиларини келтирамиз:

Самарқанд атрофида Бардиза, Тушпадиза, Сангдиза, Чақардиза, Фағидиза, Уштабдиза; Бухоро шаҳри теваарагида Тодиза, Фарғондиза, Фағдиз, Шомидиза, Камдиз; Насаф (Қарши) атрофида Устугдадиза, Фархурдиза (ҳозирги Парғуза) кабилар.

О.Ф. Чехович “Вақфнома”ларда Туркмандиза, Заханждиза, Ковақдиза, Арқуддиза каби қишлоқ номлари учрашини қайд этган [8,136].

Фархурдиза – Қадимги Нахшаб (Қарши) яқинидаги қишлоқ. Аслида Пархурдиза шаклида бўлган. Ҳозирда бу ном Парғуза шаклига келиб қолган. Араб географлари Самъоний ва Ёкут асарларида Фархурдиза шаклида қайд этилган. Самъоний бу қишлоқни Нахшабдан икки фарсах, Ёкут бир фарсах юқорида жойлашганлигини таъкидлашган [1,1,196]. Бу топонимнинг шаклий ва маъно хусусиятлари тўғрисида қуйидаги талқинларни келтириш мумкин:

1. Суғд тилида фар~пар~бар - юқори, хур - кун чиқар, куёш томон[49:190]. Диза~диз - қўрғон. Фар+хурдиза – юқори Хурдиза. Хурдиза бирламчи ясаиш бўлиб, кун чиқар томондаги қўрғон

маъносини беради, Унга фар~ пар~бар сўзи кейин қўшилган бўлиб, у шу кўрғонни юқорида жойлашганлигини ифодалайди.

2. Пархурдиза - пар~бар - юқори, хур<хар<ғар - тоғ, диза - кўрғон. Парғардиза - баланд тоғдаги кўрғон [4,155]. Кўрғон Қўнғиртоғ этагида жойлашганлиги учун у шундай аталган. Чунки Ўрта асрларда Қўнғиртоғ Парғар деб аталган. Демак, Парғар+диза – Парғар(Қўнғиртоғ)да жойлашган диза(кўрғон).

3. Номнинг учинчи талқини: Пар+хурддиза; пар – юқори, баланд; хур>хурд – кичик; диза – кўрғон, яъни юқори томонда жойлашган кичик кўрғон. Бу ўша даврда асосий кўрғон ҳисобланган Нахшабга нисбатан кичик бўлган кўрғон номи сифатида шаклланган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги Моварауннахрнинг кўпгина топонимлари қадимги юнон муаллифлари асарларида, турли мих ёзувларида, суғд тилига оид ҳужжатларда, хитой сайёҳларининг кундаликларида ва араб географларининг асарларида ўз ифодасини топган. Бизга маълум бўлган кўпгина араб ва форс тарихчи географлари ва бошқа маллифларнинг асарлари орқали Ўзбекистон ҳудудида бўлган кўплаб қадимги жой номлари бизнинг давримизга қадар етиб келди ва улар ёрдамида ҳозирги топонимларнинг қадимги қиёфасини тиклаш имконига эга бўлиб турибмиз.

Таркибида -диза// -диз топоформантлари бўлган топонимларнинг биринчи қисми шу атама англатган қалъа, кўрғон тушунчасининг турли белги хусусиятларини - ҳажми, шакли, кимга мансуб эканлиги, ким томонидан бунёд этилганлиги, пайдо бўлиш вақти, ўрни ва кўриниши кабиларни билдиради. Масалан: Навдиз - янги кўрғон, Сангдиза – тош кўрғон, Туркмандиза -туркманларнинг қалъаси, Бардиза - баланд кўрғон.

Адабиётлар

1. Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука Т. I, 1963-759 с., Т. II, ч. 1 – 1963. – 1020 с., Т. III, 1955. -711с.
2. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.-83 б.
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати . –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. -290 б.
4. 4. Савина В.И. О типах словообразования топонимов Ирана// Топонимика Востока.–М., 1964. –с. 149-175.
5. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М., 1970, -288 с.
6. 6. Чехович О. Д. Бухарские документы XIV века. –Т.: Наука, 1965. 331с.
7. 7. Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVII вв.: О владениях Ходжа Ахрара в Средней Азии и Афганистана // Памятники письменности Востока, вып. 31. –М.: Наука, 1974. – 631 с.
8. Хромов А.Л. О структурных особенностях иранской топонимии Мавераннахра в период IX-XIII вв.// Восточная филология.- Душанбе, 1974. Вып. 3. -с. 3-25.